

## Ақийда дарслари (156-дарс). Ўзингизга дуони лозим тутинг!



20:00 / 01.11.2021 7393

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким Аллоҳдан сўрамаса, У Зот ундан ғазабланади», дедилар».**

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Кимни Аллоҳ унга шиддатлар пайтида истижобат қилиши масрур қилса, оройиш пайтида дуони кўпайтирсин», дедилар».**

Бу ҳақда имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи «Оройиш пайтида Аллоҳни танисанг, шиддат пайтида Аллоҳ сени танийди», деганлар.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ер юзида қайси бир мусулмон гуноҳ аралаштирмасдан, қариндошлик алоқасини узмасдан туриб дуо қилса, албатта, Аллоҳ таоло унга ё сўраганини тезда беради, ёки ўшанинг мислича ёмонликни ундан буриб қўяди»**, дедилар. Шунда одамлардан бири:

**«Ундай бўлса (дуони) кўпайтирамиз»**, деди.

**«Аллоҳ кўпайтирувчи роқдир»**, дедилар».

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Кимга дуо эшиги очилса, унга раҳмат эшиклари очилган бўлади. Аллоҳдан бериладиган нарсалар ичида энг маҳбуб бўлгани офиятни сўрашдир»**, дедилар».

Шунинг учун Аллоҳ таолодан офиятни – соғлик ва тинчликни кўпроқ сўраш керак бўлади.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Албатта, дуо нозил бўлган ва нозил бўлмаган нарсадан сақлайди. Эй Аллоҳнинг бандалари! Ўзингизга дуони лозим тутинг!»** дедилар».

Демак, ким нозил бўлган балолардан сақланай деса, кўпроқ дуо қилсин. Ким нозил бўлмаган балолардан сақланай деса ҳам, кўпроқ дуо қилсин.

Салмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қазони фақатгина дуо рад қиладир. Умрни фақатгина яхшилик зиёда қиладир»**, дедилар».

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳдан Унинг фазлини сўранг. Албатта, Аллоҳ азза ва жалла  
Ундан сўралишини хуш кўрадир. Энг афзал ибодат кушойишни  
кутишдир», дедилар».**

Ушбу саккизтани Термизий ривоят қилган.

Кушойиш – нажот, енгиллик, мусибатнинг ариши.

***«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди***